

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ХОРАЗМДА ҲАМ ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 22 сентябрь куни Хоразм вилоятида бўлди.

Дастлаб Амударёда қурилаётган кўприк кўздан кечирилди. Давлатимиз раҳбари ушбу кўприк лойиҳаси билан ўтган йили декабрда Хоразмга ташрифи чоғида танишган, кўп ўтмай унинг қурилиши бошланган эди. Бугунги кунда қирғоқлар темир-бетон билан мустаҳкамланиб, кўприкнинг таянч устунлари қурилмоқда. Лойиҳанинг қиймати 174 миллион доллар бўлиб, унинг эвазига 80 километрлик темир йўл ва Амударё устида 413 метр узунликдаги кўприк барпо этилади. Президентимиз қурилиш ишларининг боришини кўздан кечирди.

— Бу одамлар узоқ йиллар кутган лойиҳа. Энди янада кўп йиллар халқимизга хизмат қилиши керак. Шунинг учун биринчи ўринда сифат. Ажратилган маблағ кичкина эмас. Тажрибали мутахассисларни жалб этиб, ҳар бир жиҳатни ўйлаб, элимга, юртимга деб қуриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу инфратузилмаларнинг самарadorлиги жуда юқори. Масалан, Хоразм вилояти билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги темир йўл масофаси 240 километрга, вақти эса 6 соатга қисқаради. Ма-

ҳаллий юк ташиш ҳажми йилига 12 миллион тоннадан 25 миллион тоннага ошади. Шунингдек, халқаро транзитлар учун ҳам қулайлик кенгайди. Автомобиллар ҳаракати яхшиланиб, аҳолининг узоғи яқин бўлади. Шундан сўнг Президентимиз Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мажмуасининг қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Бу борадаги лойиҳа Президентимизнинг вилоятга аввалги ташрифи чоғида кўриб чиқилган, мутахассислар фикрлари асосида такомиллаштирилган эди. Мажмуа шаҳарнинг Ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчалари кесишмасидаги қарийб 8 гектар майдонда барпо этилмоқда. Бугунги кунда ҳайкалнинг асоси қурилмоқда. Бронзадан Жалолиддин Мангубердининг от устида қилич тутиб турган ҳайкали ясалган. Унинг асоси билан бирга жами баландлиги қарийб 25 метр бўлиб, узоқдан ҳам кўриниб туради. Давлатимиз раҳбари мажмуа мазмунини бойитиш, шароитларини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бу ер билим, маънавият, гурур маскани, ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши керак. Келганлар айлиниб хордиқ чиқариши билан бирга, Мангуберди бобомиз ҳаётини яққол тасаввур қили-

ши, бундан руҳ олиши керак. Хиёбон бўйлаб унинг жангари, қаҳрамонликлари ҳақида лавҳлар ёзиб қўйиш мумкин. Тарихни ва чет тиллари яхши биладиган гидлар тайёрлаш ҳам зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, миллатимиз фахри Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти, унинг тарихимиздаги ўнмас жасорати ёш авлод учун ўзига хос намунадир. Унинг ҳаёт йўли ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, инсонларни қомилликка етаклаш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим маънавий қалқон вазифасини ўтайди. Президентимиз Ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб қурилган ер ости йўлини ҳам кўздан кечирди. Кенглиги 17 метр, баландлиги 5 метр бўлган ушбу туннель соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, ер ости автомобиль йўли қурилиш вилоятлар ичида илк бор Хоразмда амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари биттач, ҳудуд обodonлаштирилиб, манзарали дарахлар экилади, фавворалар барпо этилади. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари, туризм хизматлари ташкил этилади.

Мажмуани эксплуатация қилишни тўғри йўлга қўйиш, бу ерда байрам тадбирлари, фестиваллар ўтказиш учун ҳам шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Президент қортежи Хива тумани Шомохулум маҳалласида тўхтади. Давлатимиз раҳбари бу ерда яшовчи Комил Раҳимов хонадонига кириб, аҳолининг яшаш шароитлари билан қизиқди. Комил ота узоқ йиллар қишлоқ ҳўжалигида ишлагани, турмуш ўртоғи Сония ая билан икки фарзандни тарбиялаб вояга етказганини сўзлаб берди. Охириги йиллардаги имкониятлар натижасида янги уйга эга бўлгани, фарзандлари университетга ўқишга кирганини айтди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, Хоразм вилоятидаги ўзгаришлар ҳақида самимий сўхбат бўлди. Хонадон эгалари бу ўзгаришларни ҳар бир одам ўз ҳаётида сезаётгани, турмуш даражаси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев Хива шаҳрида Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди. Президентимиз Хива гилам комбинати фаолияти билан танишди. Илгари бу жой фойдаланилмай турган бино эди. 2020 йил сентябрда унинг ўрнида замонавий комбинат

ташкил этилди. Бу йил август ойида лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилди. Корхонага Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан энергия тежовчи ускуналар келтириб ўрнатилган. Бу ерда полипропилен ип, гилам ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар АҚШ, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини ва шоу-румини кўздан кечирди. Комбинатда 250 та иш ўрни яратилган. 2022 йилда учинчи босқич — акрил толасидан калава тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилади. Натижада ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,2 миллион квадрат метрга етади. Маҳсулотнинг 45 фоизи чет элга сотилиши, йиллик экспорт 5 миллион доллардан ошиши кўтилмоқда. Президентимиз маҳсулот турларини кўпайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиш юзасидан топшириқлар берди. Шу билан Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига сафари якунига етди.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-СЕССИЯСИ ДОИРАСИДА «C5+1» ШАКЛИДАГИ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

22 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси доирасида Марказий Осиё ва АҚШ таъки сий идоралари раҳбарларининг “C5+1” шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Видеоконференция орқали ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон таъки ишлар вазирлари ва АҚШ Давлат котиби иштирок этди. Таъки сий идора раҳбарлари иқтисодиёт, минтақавий хавфсизлик, терроризм ва экстремизмга қарши кураш, COVID-19 пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этиш соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан муҳокама олиб борди. Учрашувда Афғонистондаги вазият ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, гуманитар инқироз-

нинг олдини олиш учун афғон халқига ёрдам кўрсатиш, ушбу мамлакатнинг минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини таъминлайдиган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Шу ўринда минтақадаги мамлакатлар барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Учрашув якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилинди.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎЗА мухбири.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ МАРОМИГА ЕТКАЗИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда барча соҳа қатори тиббиёт йўналишидаги ислоҳотлар ҳам моҳиятан одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига дармон бўлиш, уларга шодлик улашишга қаратилган. Бугун юртимизда йилга ўртача 750 мингга жаррохлик амалиёти бажарилаётгани, энг муҳими, бундай операциялар вилоят марказларида қилинаётгани кўплаб фуқароларимиз учун айни мuddао бўлди.

Андижон давлат тиббиёт институтида “Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳозирда юртимизда буйрак, жигари кўчириб ўтказиш амалиётлари муваффақиятли амалга оширилаётгани, лекин ҳар қандай соҳада бўлгани каби инсон органлари трансплантациясини барқарор йўлга қўйиш учун унинг ҳуқуқий-ташқилий асосларини мустаҳкам яратиш талаб қилинаётгани қайд этилди. Мутахассисларнинг айтишича, қонун лойиҳасида трансплантация қилиш мақсадида инсон органлари ва тўқималарини ноқонунли олиш ёки уларни олишга мажбурлаш, бу борада ноқонуний битимлар тузиш, трансплантация қилиш тартиби ва шартларини бузиш, республикадан ташқарига олиб чиқиш ҳолатлари учун жазо чоралари белгиланмоқда.

— Сир эмаски, илгари бундай жаррохлик амалиётлари хорижнинг замонавий клиникаларида қилинарди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Одинахон Отахонова. — Бу бемор болаларнинг ота-оналарини иқтисодий жиҳатдан анча қийнаб қўярди. Эндилкида эса бундай ташвишларга ҳожат қолмади. Юртимизда тиббиёт тизимини модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли бундай мураккаб жаррохлик амалиётлари мамлакатимизда ҳам ўтказила бошланди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан эса ҳар қандай мураккаб жаррохлик амалиётлари ўзимизда ўтказилади. Бунинг учун юртимизда тажрибали шифокорлар, замонавий технологиялар ва барча зарур шароит бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«ОЧИҚ БЮДЖЕТ» АҲБОРОТ ПОРТАЛИ ОРҚАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш механизмнинг ишга туширилиши жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топиш ва жамоатчиликни бюджет жараёнининг иштирокчисига айлантиришда алоҳида восита бўлиб хизмат қилмоқда. 2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа мuddатларда бартараф этиш, Давлат бюджетини шакллантириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида: 1. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 1-иловага мувофиқ 2021 йил 1 октябрга қадар: Фуқаролар ташаббуси жамғармасида (кейинги ўринларда — Жамғарма) 1 миллиард сўмдан кам маблағ шаклланган туман ва шаҳарлар учун қўшимча 57,9 миллиард сўм; “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ортқ бўлган туман ва шаҳарларга қўшимча 59,5 миллиард сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. 2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларига ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилади.

Молия вазирлиги икки ой мuddатда ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизини “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. 3. Белгилансинки: туман ва шаҳар ҳокимлари Жамғармага маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади; туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотлар ўзларининг расмий веб-сайтлари ва “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириб борилади; мазкур банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган қондани бузиш бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш тартибини бузиш деб баҳоланади. 4. Молия вазирлиги: уч ой мuddатда “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни жойлаштириб бориш тартиби ва шаклларини тасдиқласин; халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида ҳудудлар томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг таҳлиллари асосида ушбу жараёни такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб бориш; фуқароларнинг ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига жалб

этилиши даражаси бўйича ҳудудлар рейтингини жорий этсин ҳамда уни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириб бориш; ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини бошқаришда молия органларининг вазифаларини аниқ белгиланган ҳолда мазкур жараёни мувофиқлаштириб бориш. 5. Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 6. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда: ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини амалга ошириш механизми ва унинг моҳиятини аҳоли ўртасида тизимли равишда кенг ёритиб борилишини таъминласин; ҳар бир маҳалла ва овулда “Очиқ бюджет” ахборот порталида таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнига қўмақлашувчи “мобил” гуруҳлар ҳамда “ташаббускорлар бурчаги”ни ташкил этсин; 7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазирини Т.А.Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 22 сентябрь

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ РАИСИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева Қирғизистон Республикаси Жокорку Кенеш Торағаси Т. Мамитовнинг таклифига биноан 21 сентябрь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Хамкорлик

Бишкек халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Жокорку Кенеш Торағаси ўринбосарлари А. Касималиева ва А. Сидигалиев ҳамда Қирғизистон Республикаси парламентидagi Ўзбекистон билан дўстлик гуруҳи раҳбари М. Бакиров кутиб олди. Бишкекка расмий ташриф чоғида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров, Жокорку Кенеш Торағаси Талант Мамитов билан учрашди ҳамда “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари мулоқоти” бизнес форумида иштирок этди.

Икки томонлама келишувларнинг амалда бажарилишига урғу қаратилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ўртасида очик ҳамда дўстона руҳда ўтган учрашувда икки томонлама муносабатлар, жумладан, мамлакатлар ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.



МЕН НЕГА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРАМАН?



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Президенти лавозимига номзод этиб тасдиқлади. Сайловда қатнашувчи номзодлар тўлиқ маълум бўлди. Ва бугун шу воқеликдан — айнан ана шу номзодлар орасидан бирини танлаш имконимиздан келиб чиқиб айтаманки, уларни таққослаганда Шавкат Миромонович Мирзиёев қатор кўрсаткич ва фазилатлари, тажрибаси ҳамда мақсад сари қатъияти билан афзалликка эгадир.

Сайловда иштирок этаётган томонларнинг реал салоҳиятидан келиб чиқиб кимгадир овоз берадиган инсоннинг ўз сабаблари ва аргументлари бўлади. Менда ҳам бу танлов учун сиёсий, ижтимоий ва ҳатто шахсий сабаблар ҳам бор.

1. ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Мен Ургутнинг тоғли Ёўс қишлоғида туғилиб, аста-секин эсимни таний бошлаганимда, кўча-кўйда отамни “Ҳаким босмачи” дейишларига хайрон қараганман. 1990 йилда Олий Кенгаш депутатлигига номзодим қўйилганда, ғайир одамлар “Бу босмачининг невараси, совет парламентида қандоқ сайлаш мумкин?!” деб очиқ-часига ташланганди. Кейинчалик отамнинг бобоси Ибодулла кўрбоши бўлгани ва отилганини, бобомнинг отаси ҳам қизил аскарлар томонидан Испанза йўлида ўлдирилганини билганман. Менда отамнинг онаси — Зулфия момом айтиб берган хотиралар, унинг биттагина сурати сақланган. Зулфия момом, отамнинг онаси, Ибодулла кўрбошининг қизи эди.

СССР даврида Қодирий, Чўлпонлар чала оқланди. Кейинчалик Горбачёв пайти жадидларни оқлашга яна бир уриниш бўлди. Мустақиллик даврида шиддат билан бошланган жадидларни оқлаш ва Шаҳидлар хотираси музейи тиклангани ҳолда, уларни оқлаб бўлмайдми, бу оқим “мураккаб ва чигал”, деган баҳонада яна архивлар ёпилди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига асосан, муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган инсонларнинг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Олий судга 2021 йил 24 февралда 115 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, улар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Маъжур жиноят ишларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари (ҳукм ёки бошқача қарор) мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг учили мажлиси баённомасидан кўчирма борлиги аниқланган.

2021 йил 25 август куни ўшбу жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисларида қўриб чиқилиб, келтирилган ботиркорлар қаноатлантирилди. ЖПКнинг 83-моддасига асосан, жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди. Суд жараёнида ишлар бўйича химоячи сифатида иштирок этаётган Маъруф Алиев ишлари қўриб чиқилаётган шахслар “босмачи” тамгаси билан қамалгани, отилгани аянчли иш бўлганини қайд этди. “Улар ўз Ватанида яшаб қандай босмачи бўлсин, ахир босмачи четдан кириб келган бўлиши керак эмасми”, дея таъкидлади у.

Мустақилликкача ва кейинги 25 йилда “босмачилар”ни оқлашга журғат қилинмади. Фақатгина Шавкат Мирзиёевгина бу ишга мардона қўл урди. Мен шунинг учун ҳам унга овоз бераман ва ислохотларини пойдор қилишини истайман.

2. АДАБИЁТГА ЭХТИРОМ

Эсимда, бир замонлар Ёзувчилар уюшмасининг Пушкин кўчасидаги тарихий биноси тортиб олиниб, кейинчалик қайсидир банк ихтиёрига бериб юборилди. Шундай нуфузли ижодкорлар ташкилоти қайлардадир кўчиб юрди ва ҳозирги “Хумо арена”си рўпарасидаги Шароф Рашидов ёзувчилар учун тиклай бошлаган бино ҳам алаҳоқибат Миллий банкка берилди.

Фақат Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан кейингина ёзувчи-ижодкорлар учун янги бино қуриб берилди, бошпанасиз ижодкорларга имтиёзли кредит асосида уйлар ажратилди, мухташам Адиблар хиёбони барпо этилди, ёнида кутубхона қурилди, айниқса, Дўрмон ижод уйидаги шароитлар яхшиланди, Зоминда ва Паркентда ижод уйлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Очиғи, уюшма аъзолари учун яратилган имкониятлардан беҳад хурсандман.

Яқиндагина “Абдулла Қодирийнинг уй-музейи борми?”, “Қодирий ҳовлиси жойлашган “Самарқанд дарвоза” маҳалласи бузилиш арафасида...”, дея матбуот, ижтимоий тармоқларда бонг ургандик. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маҳалла ҳам ўз жойида қолди, Қодирий бобомизнинг музейи ҳам богда очилди, улуғ адибимизга хайкаллар қўйилди, Қодирий ижод мактаби яратилди. Бу ишлар ҳам минг йилдан буён бордай, ёдимиздан чиқди...

Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлар эканман, адабиётимиз, маънавиятимиз учун қилган ана шундай беқийс хизматлари учун овоз бераман!

3. СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шу кунларда ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакили Тереза Рибейру юртимизда бўлиб, учрашувлар ва анжуманлар ўтказмоқда. Бу сўз эркинлиги тақдирини учун катта ҳодисадир.

Биламизки, БМТнинг қийноқлар бўйича маърузачиси, қочқинлар масаласи бўйича комиссари, дин масалалари бўйича маърузачиси каби халқаро институтлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон БМТ аъзоси ва унинг халқаро мажбуриятлари бор. БМТ ва ЕХХТ вакиллари ҳамда маърузачилари ана шу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилишни сўроқлаш учун келади. Халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини Конституциямиз эътироф этади. Лекин неча ўн йиллар мобайнида бирорта маърузачи, шу жумладан, сўз эркинлиги бўйича маърузачи Ўзбекистонга киритилганини шахсан мен эслолмайман. Ва фақат Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнггина ушбу нуфузли ташкилотларнинг вакиллари ва маърузачилари Ўзбекистонга ташриф буюра бошлади. Хатоларимизни ва камчиликларимизни тан оляимиз, биргаликда тузатиш йўлларини излаяпмиз. Сўз эркинлигида собитлик янги сиёсатнинг асосий таркибий қисми ва асосий ютуқларидан биридир.

Аёнки, ислохотлар оғир ва машаққатли кечмоқда. Консерватив кучлар ҳам осонликча ён бермайди, коррупцияни йўқотиш қийин бўлмоқда, маъмурий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг залварли қисми олдинда турибди. Муаммолар ҳақида мен ҳам тинимсиз ёзиб келяпман. “Даракчи”да бир йилда элликта танқидий мақолам чиқди. Яна ёзамиз, ё насиб.

Мен охириги йилларда ўнлаб романлар ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўгирдим. Улар орасида турк ошиқ шеърляти, жаҳон шеърляти антологияси, Сенека, Платон, Вольтер, Монтен, Паскал, Вовенарг, Ларошфуко, Лабрюйернинг фалсафий асарлари, жаҳон халқлари ҳикматлари, Генри Форднинг “Менинг ҳаётим”, Жорж Оруэлнинг “1984” ва “Молхона” романлари ҳамда Малколм Гладуэлнинг “Даҳолар ва удабуронлар” асарлари бор. Мен ўзимга сўз учун йўл очилгани билан бирга, таржима қилган асарларим ҳам узоқ вақт таққид бўлганини биламан. Ахир дейлик, Оруэлнинг “1984” романи совет даврида уч нусхада Сиёсий бюро учун тайёрланган, халқдан сир сақланган. У Янги Ўзбекистонда чоп этилди ва уч йил ичида беш марта қайта нашр қилинди. Шунингдек, Муссолини даврига тааллуқлилиги учун аввал чоп этилмаган италян модернизмлари Дино Буццати, Жованни Папини, Коррадо Алваро, Марчелло Вентури ҳикояларини таржима қилдим. Охириги йиллар ичида “ОАВ қонунчилиги тўғрисидаги 156 саволга 156 жавоб”, “Журналистика ҳуқуқи” сингари дарслик ва қўлланмаларини нашр этилди.

Бугун медиаторист, медиаэксперт, шоир ва таржимон сифатида бемалол ишлаяпман. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жамоатчилик кенгаши раисиман, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида медиа ҳуқуқи ҳамда ахлоқи, коррупция ва матбуот сингари фанлардан дарс бераман. Буларнинг барчаси янги даврнинг шарофати ва бунини инкор эта олмаيمиз.

Шавкат Мирзиёев сўз эркинлиги имкониятини кенгайтиргани баробарида, қатор сиёсий маҳбусларни, йигирма йиллаб қамоқда ўтирган раҳматли Мамадали Маҳмудов сингари адибларимизни оқлади, уларга уй-жой берди, Аллоҳ раҳмат қилсин, Гулчеҳра Нуруллаевани Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тиклади. Албатта, бу инсонлар тикланишга ҳақли, ноҳақ жабранлар эди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган O‘zLiDeP съездидида яна бир бор айтиб ўтди: **“Мен, ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган барча журналистларни — ислохотларнинг фаол иштирокчилари, ўзимнинг энг яқин дўстларим деб биламан ва улар ҳамиша Президент химоясида бўлади”.**

Мен, гарчанд чидаш осон бўлмаса-да, танқидларга тоқат қилинаётгани, айрим мансабдорларнинг порозилигига қарамай, Шавкат Мирзиёев сўз эркинлиги масаласида собитлиги учун ҳам унга овоз бераман!

4. ИСЛОХОТЛАР МАШАҚҚАТИ ВА ҚАРОРДА СОБИТЛИК

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Президентликка номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевга осон эмас. Мамлакатдаги барча ижобий ишларни унинг номи билан ҳақли боғлаймиз. Лекин табиийки, ислохотларнинг олға силжишига ҳалақит қилаётган омилларни, кўзга ташланадиган бошқа камчиликларнинг масъулиятини ҳам унинг сиёсатига боғлашлар бор. Лекин у халқни эзгу мақсадда ҳамкорликка чорлаяпти ва “келажак учун масъулият барчанинг зиммасида эканини” бежиз алоҳида таъкидламайпти.

Шавкат Мирзиёев буни сайлов билан боғлади: **“Ҳеч қачон унутманг, сайлаш ва танлаш ҳуқуқи — сизнинг қўлингизда”**, деди. Яъни номзодни танлар эканмиз, унинг дастурини ҳам танлаган бўламиз ва бу ислохотларни ўтказишда барчанинг нафақат хайрихоҳлиги, балки шахсий иштироки ва амали зарур бўлади.

Мен пахта теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни мониторинг қиладиган қўллаб халқаро лойиҳаларда иштирок этганман. Шавкат Мирзиёев: **“Яқин-яқингача 6-7 миллион аҳолимиз, айниқса болалар пахта теримига “ихтиёрий-мажбурий” сафарбар этиларди”**, дея эътироф этди. Болаларнинг пахта теришига барҳам берилди. Бу катта ютуқдир. Қаршимизда аграр ислохотлар турибди, ер ўз эгасига берилиши, унинг соҳиби фойдали экин экиши ва ўз маҳсулотига ўзи эғалик қилиши керак. Мўлжал аниқ ва адолатли, асосийси, шу йўлда собитлик мавжуд.

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан кейингина ёзувчи-ижодкорлар учун янги бино қуриб берилди, бошпанасиз ижодкорларга имтиёзли кредит асосида уйлар ажратилди, мухташам Адиблар хиёбони барпо этилди, ёнида кутубхона қурилди, айниқса, Дўрмон ижод уйидаги шароитлар яхшиланди, Зоминда ва Паркентда ижод уйлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Очиғи, уюшма аъзолари учун яратилган имкониятлардан беҳад хурсандман.

Ўзбекистонда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит яратилди. Мамлакатнинг обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилган **Янги Ўзбекистон стратегияси** ишлаб чиқилди.

Ниятлар янада кўламли: **“Ўзбекистонда 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 4 минг доллардан оширилиши режалаштирилмоқда”**, деди Шавкат Мирзиёев.

Шаҳардаги ўнта бойнинг бойлигини шу шаҳардаги бутун аҳоли сонига тақсимласа, осонгина 4 минг доллардан ўртача рақам чиқариш мумкин. Лекин ниятимиз бу даромад ҳар бир инсонга тегишли бўлган ҳақиқатдир.

Бу ниятларга эришиш осон бўлмайди, чунки эскича фикрловчилар, қаллоблар, порахўрлар, фирибгарлар ҳам осонликча жон бермайди. Муаммолар ҳам бўлади. Муҳими, уларга кўз юмилмайди, муаммоларни айтган оғизлар беркилмайди, давлат раҳбари ўз сўзида собит туради.

Шундай ишонч ва умидда собитлигимиз учун Шавкат Мирзиёевга овоз бераман!



5. ОДАМГАРЧИЛИК

Онамнинг исми Қумри эди. Бу бир мусича монанд қушнинг номи эканини вояга етганимдан кейин билганман. Онам ростдан ҳам мусичадай беозор, хокисор инсон бўлган.

Албатта, кишига ўз онаси ҳаммадан яхши кўринса керак. Аммо бугун эсимни таниган кунларимдан буён ўтган тарихимизни ёдлар эканман, онамнинг бирор марта бақирганини ёки кўни-қўшни билан жанжаллашганини, овозини баланд кўтарганини эслай олмаиман.

Умримнинг тўртдан учи бошқа шаҳарларда ўтди, ўтяпти. Бу она учун жуда оғир... Буни бугун тушунаман. Айниқса, ўша пайтлар ҳамма қишлоқда эди, ўқиган кам эди (бугун кўпчилик шаҳарда ё хорижда). Қўшни хотинлар: “Нима шу ерда нон йўқми, шаҳарда ўқиб профессор бўлармиди?!” деб онамга кўп кесатган. Ўқини турғатиб ҳам яна шаҳарда уйланиб, қолиб кетдим. Онамнинг умри йўл қараб ўтди. Онамни доим йўл қараб турган ҳолда тасаввур қиламан.

Холаларим: “Онанг ўйлингга қарай-қарай оламдан ўтиб кетди”, деган дашномларини ичидан тушунаман. Айбдорман. Энди, мана, ўзим болаларимнинг йўлига қарайман. Шу тахлит кун ўтади. Бир кун англаймизки, ўтган фурсат кун эмас, умр экан. Умр ўтиб кетибди...

Беморликда ёзган шеъримда ҳам: “Ўлгим келмаяпти, онажон!” деб ёзганман. “Ўлгим келмаяпти, Аллоҳим”, десам тўғри бўларди. Оғир кунда она эсга тушаркан. Энди эса Аллоҳдан онамизга жаннат боғларини сўраймиз.

Бугун буларни яна эслаганимнинг сабаби — онам вафот этганида, Ургутга, тоғ қишлоғига фотиҳага ўша пайтдаги Президентнинг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурсоқов, олий таълим вазир Оқил Салимов, адлия вазир Алишер Мардиев билан бирга Шавкат Мирзиёев ҳам Илҳом исмли офицер йигит билан борган. Отамнинг кўнглини сўраган. Шавкат Мирзиёевда одамгарчилик жуда кучли ва барча даврда унга собит бўлган.

Бош вазирлик пайтлари буюк шоирамизнинг навқирон фарзандлари вафот этганида келиб ҳол сўраган ва кўярда-қўймай, маросим қаражатларига пул ташлаб кетганини кўрганман. Эркин Воҳидов вафот этганида тонг-сахардан келди, ярим соатларча ичкарида ўтириб, кўзлари нам ҳолда чиқди. Бир оздан кейин бутун маҳалла икки соат ичида янгидан асфальт қилинди. Чиқариш олдидан яна келиб ўтирди.

Бугун ҳам вафот этган таниқли инсонларнинг, Анвар қори Турсунов, муфтий ҳазратлари Усмонхон эшон бобо сингари улаомларнинг, “тождор” вирус туфайли ўлган ҳокимларнинг хонадонига шахсан бориб, фотиҳа қилаётганини кўряпмиз. Қачон, қайси юрт раҳбарида бундай одамгарчилик бўлган?!

Мен мана шу одамгарчилиги учун ҳам Шавкат Мирзиёевга овоз бераман ва унинг бу шарафли йўлда собитлигига ишонаман!

Карим БАҲРИЕВ, ёзувчи.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ РАИСИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА РАСМІЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон делегациясини самимий қутлар экан, Ўзбекистон — Қирғизистон ўртасида олий даражадаги мунтазам ва самарали алоқа-лар натижасида эришилган дўстлик, ахил қўшничилик ва стратегик ҳам-корликнинг бугунги даражасини мам-нуният билан қайд этди.

— Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифи биз ва бутун Қирғи-зистон халқи учун катта аҳамиятга эга бўлди, таъриф натижалари барча дол-зарб муаммоли масалаларни ҳал этишга кўмаклашди, — деди Президент С. Жапаров.

Шу нуктаи назардан, Қирғизистон Президенти кун тартибидан турган дол-зарб масалалар, жумладан, давлат чегарасини делимитация қилишни яқунлаш, энергетика ва сувдан фой-даланиш соҳасидаги ҳамкорлик, сав-до-иқтисодий ва трансчегаравий ҳам-корликни фаоллаштириш, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни мус-таҳкамлашга доир масалалар тезкор ҳал этилишига ишонч билдирди.

Чегарадош ҳудудлар ва ишбилар-мон доираларни жалб қилган ҳолда янги ташаббуслар ва аниқ лойиҳа-ларни илгари суришда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентларининг фаол иштироки муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Қирғизистон Республикаси раҳба-ри гендер сиёсатни амалга ошириш, хотин-қизлар ҳимояси ва ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон саъй-ҳаракатлари, шу жумладан, мам-лакатимиз раислигидаги “Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти” фаолиятига юқори баҳо берди.

С. Жапаров икки мамлакат ишби-лармон доиралари ўртасидаги ҳамкор-ликни мустаҳкамлаш учун яна бир му-ҳим майдонга айланган “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари му-лоқоти” халқаро бизнес форуми фао-лиятига муваффақиятлар тилади ҳамда аёллар тадбиркорлигини ривож-лантиришни тўлиқ қўллаб-қувватлаш-га тайёрлигини билдирди.

Президент С. Жапаров Танзила

Норбоевнинг ташрифи давлат-лараро муносабатларга қўшимча туртки бериш ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон парламенти юқори па-латаси раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қутловларини етказди.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғи-зистон Президентлари ўртасидаги музоқаралар чоғида эришилган ке-лишувлар амалда бажарилишига кўмаклашишда икки мамлакат пар-ламентлари муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Парламентлар ўртасидаги алоқалар самарали давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева ва Қирғизистон Республикаси Жокор-ку Кенеши Торағаси Т. Мамитов ўрта-сидаги учрашувда парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, минтақалар ва икки мамлакат пойтахтлари ўрта-сидаги ҳамкорлик тўғрисида фикр алмашилди.

Тораға Ўзбекистон ва Қирғизис-тонни умумий тарих, анъаналар, ма-даният ва тил боғлаб туришини таъ-кидлади. Халқларимиз доимо ёнма-ён, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик та-моиллирларига риоя қилиб яшаган.

— Бу бойлиқни, қардош давлатла-римизни боғлаб турувчи дўстлиқни асраб-авайлаш, уни улғайтиб келаёт-ган авлодга етказиш муҳимдир, — деди Т. Мамитов.

Ўзбекистонда амалга оширилаёт-ган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларга юсак баҳо берад экан, Қирғизистон Республикаси Жокорку Кенеши Торағаси Т. Мамитов Ўзбе-кистон билан ҳамкорлик Қирғизистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиш-ларидан бири эканини таъкидлади.

Бундан ташқари, Жокорку Кенеш Торағаси парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик самарали давом этаётга-нини қайд этди. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева ташаббуси билан минтақанинг аёл депутатлари ва етакчи аёллари ўрта-сида яқин алоқалар йўлга қўйилди.

Т. Мамитовнинг фикрича, Ўзбекис-тон делегациясининг ушбу ташрифи икки мамлакат ўртасида жадал рив-ожланаётган ҳамкорликка қўшимча туртки беради.

Шу ўринда Т. Мамитов Ўзбекистон ва Қирғизистон тадбиркор аёллари бизнес форумини мунтазам ўтказиш муҳимлигини таъкидлади. Торағанинг фикрига кўра, бундай форматдаги уч-рашувлар ҳамкорлиқни янада ривож-лантириш учун барча шароитларни таъминлаб беради.

Учрашувда сиёсий, иқтисодий, ма-даний-гуманитар ҳамкорлиқни ривож-лантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Томонлар парламент назоратини амалга ошириш, қонун ижодкорлиги фаолияти соҳаси бўйича тажриба ал-лашиш ва парламент дипломатияси-ни фаол тарғиб қилишга қизиқиш билдирди.

Бизнес форуми икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа очади

Олий Мажлис Сенати Раиси бош-чилигидаги делегация “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари муло-қоти” халқаро бизнес форумида иш-тирок этди.

Тадбирда икки мамлакатнинг 100 дан ортиқ тадбиркор аёллари — иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ ҳўжа-лиги, хизмат кўрсатиш, хунармандчи-лик каби тармоқлари вакиллари иш-тирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева тадбирни очар экан, биринчи марта ўтказилаётган “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбир-кор аёллари мулоқоти” икки томонла-

ма ҳамкорлиқни ривожлантиришда янги саҳифа очишини, хотин-қизлар-нинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятла-рини кенгайтиришга қаратилган ҳам-корликнинг мутлақо янги майдонини шакллантиришини таъкидлади.

Очилиш маросимида Қирғизистон парламенти раҳбари ўринбосари А. Касималиева, Қирғизистондаги БМТД раҳбари Л. Чемберлен ва Қирғизистондаги USAID миссияси директори вазифасини бажарув-чи К. Симмонс ҳам қатнашди.

А. Касималиева Қирғизистон Ўзбе-кистон билан стратегик шериклиқни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Л. Чемберлен фикрича, хотин-қиз-лар салоҳиятидан тўла фойдаланиш Марказий Осиёдаги барча давлатлар-нинг иқтисодий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди.

Форум давомида тадбиркор аёл-лар учун янги имконият ва истиқбол-лар яратиш, Марказий Осиё давлат-лари хотин-қизларининг иқтисодиёт-нинг муҳим йўналишлари бўйича би-лим ва малакасини мустаҳкамлаш, мамлакат ва минтақавий даражада хотин-қизларни бирлаштириш, ишти-рокчи мамлакатлар тадбиркор аёлла-ри тажрибасини намоиш этиш ва бошқаларга ҳам етказиш каби маса-лаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнес форуми доирасида тадбир-корлар ўртасида икки томонлама уч-рашувлар якунида 13,2 млн. доллар-лик 15 та шартнома ва меморандум имзоланди. Шунингдек, иқтисодиёт-нинг турли тармоқларида ўзаро ман-фаатли ҳамкорлиқни бундан бўён ҳам давом эттириш тўғрисида резолюция қабул қилинди.

Қирғизистон Республикасига рас-мий ташриф чоғида Олий Мажлис Се-нати Раиси Т. Норбоева бошчилиги-даги делегация аъзолари Ата-Бейит ёдгорлик мажмуаси ва Чингиз Айтматов уй-музеида бўлди, Қирғи-зистон халқ ёзувчиси ҳайкали пойига гул қўйди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги ййгилишида “Ешлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.



Ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тай-ёрлаш жараёнида Ешлар ишлари агентлиги фао-лияти билан боғлиқ қонунчилик таҳлил қилинди. Депутатлар, мутахассис ва экспертларнинг так-лифлари ўрганилиши натижасида қонун лойиҳаси амалдаги қонунчилик мувофиқлаштирилди ҳамда келиб тушган тақлифлар асосида тахририй жи-ҳатдан лойиҳага тузатишлар киритилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томони-дан билдирилган тақлиф ва тавсиялар инobatта олиниб, узоқ тортишув ҳамда баҳс-мунозарал-лардан сўнг қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Ййгилишда “Солиқ маъмуричилигининг тако-миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекис-тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-да”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марк-зида бўлди.

Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама

қилиш жараёнида фракция аъзолари унда на-зарда тутилган айрим нормаларга эътироз бил-дирган эди. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ иштирокида давра суҳ-батлари, учрашувлар ўтказилиб, халқ вакиллари билдирган тақлифлар инobatта олинган ҳолда, улар мазкур ҳужжатда ўз аксини топди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чи-қиш давомида ҳам қизгин баҳс-мунозаралар, тортишувлар бўлди. Хусусан, фракция аъзолари қонун лойиҳасининг 429-моддаси юзасидан так-лифлар берди. Айниқса, ушбу моддадаги бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб қиариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланма-ган ишчиотлар, қурилиш тугалланмаган объект-лар қоллашган ер участкаларига белгиланган ставкага нисбатан ер солиғининг оширилган солиқ ставкаси қўлланилиши бўйича эътироз бил-дирди. Бу борада яна тегишли ўрганишлар да-вом эттирилиши таъкидланди.

ҲАЙДОВЧИЛАРГА ЕНГИЛЛИКЛАР КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Миллий тиклиниш” демократик партияси фракциясининг ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар ҳайдовчи-ларга қўшимча енгилликлар бе-ришни назарда тутувчи “Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисида-ги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-да”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Депутатларнинг қайд этили-ча, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун белги-ланган жаримлар миқдори ин-сонпарварлик тамойилларига мос эмас. Шундан келиб чи-қиб, лойиҳа билан бир неча жаримлар миқдори камайти-рилмоқда. Хусусан, муддатга ўтган суғурта полиси ёки унда назарда тутилмаган шахс ав-тотранспортни бошқарганлик ҳамда суғурта полисига эга бўлмаганлик учун жарима-

лар миқдори икки бараварга (122,5 миң сўм) камайтирили-ши шулар жумласидандир.

Шунингдек, айрим жавобгар-ликлар миқдори ҳозирги замон талаби ва ҳаффилик даража-сига мос эмас. Масалан, транспортни бошқаришда ҳай-довчиларга “bluetooth”, қулоқ-чин ва қўлни банд қилмайдиг-ан воситалардан фойдаланиш, салонга ўзбошимчалик билан монитор ўрнатганлик учун жа-вобгарлик ҳамда белгиланган ҳаракат тезлиги ошириб юбо-рилганда тезлиқни ўлчайдиган махсус ускуналар қайд этган тезлиқдан соатига 5 километр айириб ташламаган ҳолда жа-вобгарликка тортиш кабилар қайд этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан ҳайдовчиларга

“bluetooth”, қулоқчин ва бошқа қўлни банд қилмайдиган воси-талардан фойдаланишга руқсат берилмоқда. Ўзбошимчалик би-лан монитор ўрнатиш учун жа-вобгарлик бекор қилинмоқда. Тезлиқни ўлчаётган махсус ус-куналар қайд этган тезлиқдан соатига 5 километр айириб ташлаб ҳисоблаш белгилан-моқда. Транспорт воситалари-ни бошқаришда зарур бўлган ҳужжатлар ҳайдовчи ёнида бўлмаса, шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида транспорт во-ситаларини бошқариш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда ушбу ҳужжатлар мавжудлиги йўл назорати ходими томони-дан электрон тизим орқали текширилади.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини инсонпарвар-лик тамойилларига мувофиқли-ги, яъни ҳайдовчилар учун ен-гилликлар берилаётганини эътиборга олиб, маъқуллади.

УМУМЭЪТИРОФДАГИ НОРМАЛАРГА МОСЛАШТИРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари томонидан “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, лойиҳа билан маъмурий тар-тиб-таомиллар принциплари хорижий экспертлар-нинг изоҳлари ва замонавий маъмурий ҳуқуқ ютуқ-ларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ва аниқ баён этилган. Хусусан, қонунларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишини таъминловчи муҳим элементар билан мазмунан бойитилган. Мута-носиблик тамойили дунёда умумэътироф этилган герман ҳуқуқи стандартларига мувофиқ ифода қилинмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида шакл-ланган тўсиқларни бартараф этиш мақсатида янги принциплар ҳам лойиҳада ўз аксини топапти.

Тақлиф этилаётган лойиҳа орқали маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий институтлари, ху-

сусан, тегишли тарзда хабардор қилиш, манфа-атдор шахсларни тинглаш, маъмурий ҳужжат, маъмурий шикоят қилиш ва маъмурий ҳужжатни ижро қилиш кабилар такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, депутатлар томонидан бугунги кун амалиётдан келиб чиқиб, маъмурий шикоят бўйича иш юртидаги мажбурий тарзда судга ча шикоят қилиш тартибини киритиш тақлиф этилди. Ййгилишда муҳокама этилган қонун лойиҳа-лари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муносабатлар билдирилди ва кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

РЕСПОНДЕНТЛАР ИШТИРОКИДА ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида дастлаб “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ййгилишда давлат бошқару-ви органлари, Қуролли Қўчалар, иқтисодиётнинг об-ҳавога боғ-лиқ тармоқлари ва аҳолига ўз вақтида ҳамда ишончли гидро-метеорологик маълумотлар, шунингдек, ҳавфли гидроме-теорологик ҳодисалар, атроф табиий муҳит ифлосланиши, иқлим ўзгариши, унинг иқтисо-диёт ва аҳолига таъсири тўғри-сидаги маълумотлар тақдим этишга йўналтирилган гидро-метеорология фаолияти хусу-сида сўз борди.

Замонавий ҳуқуқий ва икти-моий-иқтисодий шароитларда гидрометеорологик кузатувлар ҳамда атроф табиий муҳит ҳола-

ти мониторингини ўтказиш, ку-затув натижалари бўйича маъ-лумотларни тўплаш, уларга иш-лов бериш ва тарқатишда юза-га келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик асосининг етарли эмаслиги са-бабли ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурити пайдо бўлгани таъкидланди.

Депутатларнинг айтишича, лойиҳани ишлаб чиқишда Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Беларусь, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мол-дова каби мамлакатларнинг қонунчилиги ўрганилган. Қонун лойиҳаси Ягона интерактив дав-лат хизматлари портали орқа-

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ййгилишда дастлаб “Солиқ маъмуричилиги-нинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари ҳуқуқий ҳужжатнинг хар бир моддасини муҳокама қилиш жараёнида билди-рилган фикрларни эшитиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Ййгилишда “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси ёрдамида гидроме-

теорология хизматини ягона ташкилий-техник тизим сифатида фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган ҳуқуқий нор-малар, гидрометеорология фаолиятини амалга ошириш тартиби, шу жумладан, объектлари ва субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинад.

Муҳокамалар давомида халқ вакиллари қонун лойиҳаси қабул қилиниши соҳадаги минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтиб, уни қўллаб-қувватлашди.

Мунисхон КАРИМОВА (қХалқ сўзи).

БИРИНЧИ МАРТА САЙЛОВДА ҚАТНАШАМАН

Яқинда 18 ёшга тўлдим. Бу билан ҳаётимга катта ўзгаришлар ҳам кириб келди. Улардан бири, энг қувонарлиси ва энг фахрлиси, албатта, энди мен ҳам сайлаш ҳуқуқига эга бўлганимдир.

Фахр

Ҳадемай, 24 октябрда Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти сайлови бўлади. Ният қилдимки, сайлов куни биринчи ма-

ротаба ва албатта, биринчилардан бўлиб овоз бераман. Мен ушбу кун давлати-мизнинг бир бўлагига айланаман. Чунки

илик марта сайлов бюллетенини қўлимга оламан. Ватаним тараққиёти ҳамда ке-лажаги учун ҳам овоз бераман.

Ҳозирданоқ шуни ҳис қиляпманки, мен сайлов қутисига ташлайдиган бюл-летенда ва танлаган номзодимда ме-нинг келажагим, ота-онам, оиламнинг, бутун халқимнинг орзулари рўёби — барча-барчаси ўз ифодасини топади. Айнан ўша бир парча қорғоз биз-

Муслима РИСКУЛОВА, Гулистон давлат университети талабаси.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИДА ЭНГ САМАРАЛИ ЕЧИМ

Бугун бутун дунё шиддат билан ривожланмоқда. Шунга мос равишда барча соҳа, жумладан, қишлоқ хўжалиги рақамли технологиялар ҳисобига жадал тараққий этаётир.

Мушоҳада

Юртимизда ҳам қишлоқ хўжали-гини раванқ топтириш ва унга рақамли технологияларни жорий этиш устида саъй-ҳаракат олиб бориляпти. Зеро, рақамли технология соҳа ривожидида энг самарали йўл, де-сак, муболага эмас. Шу тўғрйли ҳукуматимиз томонидан тармоқда рақамли технологияларни изчил қўллаш масаласи яқин истиқболда-ги устувор вазифалардан бири си-фатида белгилаб берилди. Муҳими, бу йўналишда муайян ишлар бошлаб юборилди.

Хўш, рақамли технологияларни қишлоқ хўжалигида қўллаш қандай қулайлик ва имкониятлар беради?

Бу ҳақда фикр юритишдан олдин рақамли иқтисодиётни шаклланти-риш керакли инфратузилла ҳамда кўп маблаг ва меҳнат ресурсини талаб этишини таъкидлаш жоиз. Аммо шунга қарамай, бу энг тўғри ва фойдали йўл бўлиб қолмоқда. Ривожланиш ййлига чиқиб олган дунё давлатлари тажрибаси ҳам шундан далolat бериб турибди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхта-лиш керак — биргина ташаббус би-лан рақамли технологияларни қишлоқ хўжалигига муваффақиятли тарзда таътиб этиш имконсиз. Демокчизм-чи, одамларни рақамли технологи-ялар имконият ва қулайликлари би-лан таништириш ҳамда уларнинг бу ҳақдаги фикрини ўзгатириш талаб этилади. Бунинг учун унинг мазмун-моҳиятини одамларга содда тилда тушунтириш керак бўлади.

Ана энди рақамли технологиялар-нинг қишлоқ хўжалигига берадиган фойдалари хусусида тўхталамиз.

Бу технология, энг аввало, маҳ-сулот ва хизматлар сифатини оши-ради, ортиқча харажатларни сези-ларли даражада камайтиради. Қола-



верса, жамият кушандаси, тарақ-қиёт томирига болта ураётган ва фуқароларимизни қаттиқ ташвиш-га солиб келаётган хатарли ил-лат — коррупция балосини ййў-тишда энг самарали воситалар-дан ҳисобланади.

Шу билан бирга, фермерлар на-фақат рақамли технологияларни ишлаб қиаришда кенг қўллайди, балки қишлоқ хўжалигини бошқа-риш жараёнида келажақни олдин-дан башорат қилишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида “ақлли” технологияларни таътиб этиш бу соҳани иқтисодиётнинг “драйвер”ига айлантириш имконини беради. Озик-овқат хавфсизлиги ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ му-аммоларни ҳал этади. Меҳнат, уру-лик ва ўғит каби ресурслар самара-дорлигини ҳам оширади.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжа-лигига рақамли технологияларни кенг қўллаш хар жиҳатдан фойдали. Шун-дай экан, бу борадаги саъй-ҳара-катларни тезлаштириш айна мудда-одир. Бу эзгу ишда биз, сенаторлар мутасаддиларга кўмак бериш ва уч-рашувларда одамларга рақамли те-хнологиялар афзаллигини тушунти-ришга тайёрмиз.

Шавкат ЖАЛОЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ МАРОМИГА ЕТКАЗИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давра суҳбатидида қонун лойи-ҳасини янада такомиллаштириш, пухта, пишиқ қилиб маромига етказиш юзасидан билдирилган тақлифлар лойиҳада ўз аксини топадиган бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Тошкент ва Янгийўл туманларида “Инсон аъзолари ва тўқималари транс-плантацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳа-си муҳокамасига бағишланган тадбир-лар ўтказилди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 661 нафар бемор гемодиализ олади, 112 нафар бемор буйрак трансплан-тациясини ўтказган. Вилоятда 65 та сунъий буйрак аппарати мавжуд.

Тадбирда сўзга чиққанлар инсон аъзо-лари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш амалиётини хориҳда катта маблаг ва вақт сарфламасдан Ўзбекистонда ҳам амал-га ошириш мумкинлигига уруғ берди. Шунингдек, инсон аъзолари ва тўқима-лари трансплантацияси борасида қонун-чилигимизда белгиланган нормалар бу-гунги кун талабларига мос эмаслиги, шу боис мазкур қонун лойиҳасида аниқ тартиблар белгилаб берилаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари ге-модиализ муолажасини олаётган бемор-лар билан учрашди. Беморлар бу қонун лойиҳаси жуда долзарб эканлигини, айна дамда гемодиализ муолажаси-ни олаётганлар кўпчилигини, улар трансплантацияга жуда муҳтожликлари тўғрисида гапирди.

Трансплантацияга муҳтож беморлар-га ушбу амалиётни юртимизда амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий тушунтириш-лар берилди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚОИДАЛАРНИ СОДДАЛАШТИРАДИ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини рақамлаштириш, коррупцияга чек қўйиш, ҳужжатлар билан ишлашда инсон омилини камайтиришга эътибор кучайган. Бу республикамизнинг тез орада ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши йўлидаги муҳим қадамлардир.

Фармон ва ижро

Жумладан, божхона органлари фаолиятида инсон омилини камайтиришга қаратилган олтимдан зиёд ахборот тизимлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига қўлайликлар яратиш мақсадида ўттизта интерфаол хизмат турлари жорий этилган. Шунингдек, "Ягона дарча" тизимида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча тартиботни босқичма-босқич қамраб олиш ниятида 12 та органнинг 60 та рухсат бериш тусидаги ҳужжатлари йўлга қўйилган. Божхона назоратида илгор технологиялар татбиқ этилиши натижасида божхона декларациясини расмийлаштириш вақти экспортда 1,7 баробар, импортда эса 1,4 баробар қисқартирилди.

Бироқ таҳлиллар илгор рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Айни шу мақсадда Президентнинг "Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Кези келганда айтиш керакики, ҳозирги кунда мамлакатимизда

53 та ташқи иқтисодий фаолият пости бор. Уларда божхоначиларнинг тадбиркорлар билан бевосита мулоқотга киришиш имконияти мавжуд бўлиб, бу турлича ёндашуларга сабаб бўляпти. Шу боис Фармон билан ташқи иқтисодий фаолият постлари "Масофавий электрон декларациялаш" ва "назоратдан ўтказувчи" постларга ихтисослаштирилади. Бу божхона тартиботларини масофавий бошқаришга ўтиш ҳамда тизимда инсон омилини кескин қисқартириш имконини беради. Шунингдек, ҳужжатга кўра, масофавий декларациялаш шу йилнинг октябрдан Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида, келаси йили апрелдан қолган ҳудудларда ташкил қилиниши режалаштирилган.

Жорий этилаётган янги тартибга кўра, декларациялар товарлар ҳойлашган жойидан қатъи назар, ҳудудларда йўлга қўйиладиган 14 та "Масофавий электрон декларациялаш" постларида бир хил ёндашув асосида масофадан расмийлаштирилади ҳамда ташқи иқтисодий фаолият постлари фақат божхона назоратини амалга оширади.

Бу тажриба хорижий давлатлар-

да синовдан ўтган бўлиб, хусусан, Россия Федерациясида 600 та расмийлаштирув пости ўрнига 16 та электрон декларациялаш маркази ташкил этилган. Айни пайтда улар томонидан 99 фоиз қўллар расмийлаштирилмоқда.

Фармонга кўра, шу йил 1 декабрдан бошлаб автомобил ўтказиш пунктларида ветеринария ва фитосанитария органларининг товарларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари тўлиқ "Ягона дарча" ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Агар бугунги кунда республикага кириб келаётган товарлар ҳужжатлари, назорат объекти ҳисобланганидан қатъи назар, чегарада ушбу органлар томонидан қўздан кечирилаётгани ҳисобга олинса, янги тартибнинг аҳамияти янада яққол намойён бўлади.

Яна бир аҳамиятли томони ветеринария, карантин ва божхона органларига тўланадиган барча йиғимни транспорт воситалари чегара пунктига киргунга қадар ягона ҳисобварақ асосида олдиндан тўлаш амалиёти жорий этилади. Сир эмас, ҳозирда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан назорат органларига тўланадиган йиғимлар алоҳида-алоҳида амалга оширилмоқда, бу кўп вақт талаб қилапти.

Энди Давлат божхона қўмитаси тизимида Марказий божхона лабораторияси ташкил этилади. Лаборатория томонидан никотин сакловчи маҳсулотлар ва спиртли ичим-

ликлар таркибини аниқлаш, товарларни экспертизадан ўтказиш ва сертификациялаш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва бошқа турдаги моддаларга нисбатан криминалистик суд экспертизаларини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Марказий божхона лабораторияси фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, Жаҳон божхона ташкилотининг "Минтақавий лаборатория" макomini олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Қолаверса, божхона тартиботларини Киото конвенцияси стандартларига уйғунлаштириш мақсадида келгуси йил 1 январдан эътиборан ортиқча тўланган божхона тўловлари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисига уч иш куни давомида қайтарилди. Шунингдек, божхона тўловларини кечиктириб тўлашнинг энг кам муддати 14 кун этиб белгиланмоқда ва ушбу муддатда фойзалар ундирилмайди. Қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг ундирилмайдиган ва қайтарилмайдиган энг кам миқдори базавий қийматли мақдорининг 20 фоизи (54 минг сўм)ни ташкил этапти.

Манбаларга кўра, ҳозирги кунда товарлар номенклатурасини экспертизадан ўтказиш учун 10 — 15 кун вақт ҳамда ушбу давр мобайнида 1 тонна юкни оморборларда сақлаш учун ўртача 70 — 105 минг сўм сарфланмоқда. Табиийки, бу тадбиркор ҳамда фуқаролар учун ортиқча харажат бўлиши бораба-

рида, маҳсулотнинг таннархи ва сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Фармонда айни шу ҳижатлар ҳисобга олиниб, товарлар номенклатураси бўйича қодни аниқлаш юзасидан божхона экспертизаси ўтказилгунга қадар уларни шартли чиқариб юбориш тартиби ҳамда ягона таъминот усули жорий этилади.

Ҳужжатда назарда тутилган янгилликлардан яна бири, эндиликда, божхона органларининг дастлабки қарорлари тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашга ҳам татбиқ қилинади. Ушбу амалиёт тадбиркорларга қўшимча божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш хавфини камайтиради. Масалан, ўтган йилда ТИФ иштирокчиларидан 17 минг 731 та низоли ҳолат доирасида жами 183 млрд. сўм қўшимча божхона тўловлари ундирилган.

Умуман олганда, Фармон талабларининг бажарилиши божхона фаолияти очкилигини таъминлаш бораберида, соҳадаги низоли вазиятларни кескин камайтиради. Ходимларнинг касбига содиқлигини, коррупцион ҳолатларга нисбатан иммунитетини оширишга хизмат қилади.

Тўлқин ПАРДАЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Божхона институтининг
Божхона тартибга солиниши ва
божхона тўловлари кафедраси
доценти, иқтисодиёт фанлари
номзоди, божхона хизмати
подполковниги.

ТИЛ МИЛЛАТНИНГ ОРИ, ҒУРУРИ...

Инсоннинг ўз она тилига муҳаббати унинг Ватани, миллати, ўзлигига муҳаббати билан тенглаштирилади. Она тилига садоқат ватандошларимизнинг миллий ўзлигига садоқати, демокдир. Зотан, Маҳмуд Саъдий айтганларидек, тил номуши — миллат номуши.

Мулоҳаза

Ўзбек тилининг юксалиши, барҳаётлиги ҳақида ўйлаш, юртдошларимиз қалбида тилимиз тақдирига нисбатан қуюнқаклик, жонсарақлик уйғониши бугун ҳар қачонгидан-да муҳим. Зеро, ўзбек тилининг шунчаки адабий тил эмас, тафаккур тарзи ва мулоқот қуроли сифатида яшаб қоллиши ҳамда ривожланиши улуг ва муштарак мақсаддир, аслида.

Ҳар қандай шароитда ҳам тил, маънавият масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида экани, мамлакатимизда она тилимизга қаратилаётган эътибор унинг миллий қонунийлигида ҳам ўз ифодасини топаётгани барчага маълум. Она тилимиз жойибаси, имкониятларини англаш учун биргина Абдулла Қодирийнинг "Ўткан қунлар"ни мутлола қилишнинг ўзи ҳам етарли. Зотан, буюк тарихимиз сирини ҳам, асрий мақсадларимиз ва орзуларимиз ҳам шу она тилимиздаги қўзғаларга сингган.

Айтиш керакики, араблар истилосидан сўнг ҳам ўз бойлигини йўқотмаган ўзбек тили XIX ва XX асрларда янада бойиб борди.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб адабиётимизга Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимхон, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби бир қатор йирик истеъдодларнинг кириб келиши билан ўзбек тили истиқболи янада порлай бошлади. Тилнинг луғат таркиби бойиди ва грамматика тилини такомиллаштириб борди. Заҳматқаш тилшуносларимиз, таржимон, адабиётшуносларимиз меҳнатлари натижасида она тилига янги ифодалар кириб келди.

Ўлкамиз қарамлик қангалига тушиб қолган истибдод давлатларида она тилимизнинг ривожланиши имкониятлари чекланиши оқибатида шакланган асоратли муаммолар ҳам учраб туради. Бу даврда тилимизга ўзлашган қўллаб-қўзғалар ҳеч қандай асосиз сиқиб чиқарилиди, нутқда гализликни келтириб чиқарувчи таржималар пайдо бўлди. Бироқ тилимизнинг ўз ривожланиш даврида катта ютуққа эришди — ўзбек тили фан сифатида ўз фониетикаси, морфологияси, тил қурилиши системаси (синтаксис), услуби, имло қоидаларини яратди, бу эса тилимиз истиқболига, унинг барҳаётлигига йўл очди.

Ўзбек маърифатпарвар шоири Аваз Ўтар ўзининг машҳур "Тил" ғазалида:

"Лозим сиза ҳар тилни
билув она тилидек,
Билмакка уни ғайрат этинг,
Фойдага қондур",

деб ёзади.

Шоир бунда ўз замондошлари ва ёшларга тил ўрганишининг қанчалик фойдали эканлиги, тил билгувчининг имониятлари кенглигини уқтиради. Шунингдек, ҳар тилни билишдан олдин ўз она тилини чуқур англамоқлик, ўрганмоқлик вазифасини ёдга солади. Бугунги ёшларнинг дунё тилларига қизиқиши бандан, Инглиз, рус, немис, корей, француз тилларида рамон сўзлаётган укасингиларимизни қўриб, факрланамиз. Бироқ инсон кўп тилда

сўзлай олгани билан она тилида ўйлайди, фикрлайди. Бугун жамиятимиз эришишга уринаётган кенг фикрлиқ, маънавий етуқлик ҳам дастлаб ўз она тилига бўлган ҳурматдан бошланади.

Юртимизда ўзбек тилига эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига қўйилди. Президентнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди.

Ўқинда давлатимиз раҳбарининг БМТ БШ Ассамблеясининг 75-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим масалалар ҳусусида ўзбек тилида нутқ сўзлагани ҳам тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида яна бир катта қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, бу ўзбек тилининг нафақат адабий ёки илмий салоҳияти, балки сиёсий қудратини ҳам кенг миқёсда намойён этди.

Ўзбек тилининг истиқболи, том маънодаги барҳаётлиги ёш авлод қалбига она тилига муҳаббат, миллий гурур тўғрисидаги сингдиришга, таълим муассасаларида миллий тил тарғиботчилари, жанқуларларини тарбиялашга ҳар ҳижатдан боғлиқ. Бу борада Фарғона давлат университети нафақат тилимиз фидойиларини қамолга етказиш, балки ҳар бир ёшни ўз она тилига садоқатли этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакорр хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи бизнинг дунёқарашимиз, сўз бойлигимиз ва маърифатпарварлигимиз, китобхона саводхонлигимизга боғлиқдир. Зеро, биз бугун эришишга уринаётган кенг фикрлиқ, маънавий етуқлик дастлаб ўз она тилига бўлган ҳурматдан бошланади.

Ўзбекистон Қарахонлари Эркин Воҳидов ўзининг "Сўз — забаржад, сўз гавҳар, олтин", "Тил хазинаси" сингари ўзбек тилининг нақадар улғуворлиги, умрбоқийлиги, кадр-қиммати ҳақидаги ўткир мақолалари ҳам бўлган "Сўз латофати" китоби билан миллий тил қайғусини энг долзарб масала сифатида жамият олдида қўндаланг ташлади. Миллатсевар шоирнинг "Она тилим ўлмайди!" деган сатрлари ҳам бугунги ёшларимизнинг тил тарғиботидаги шioriға, бу борадаги иходий ишларининг асосий мавзусига айланган.

Олам узра жананглаётган улғувор сатрлар эса она тилимиз тақдирига қаратилган эътиборимизни амалий ишларда намойён этишга руҳлантиради.



Баҳодир ШЕРМУҲАММАДОВ,
ФарДУ ректори,
педагогика фанлари доктори, доцент.

ЭЪЛОН

Бандлик

ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ САНОАТ УСУЛИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Айни имконият вилоят марказида ўзбек миллий брендини дунёга танитишни мақсад қилган "Gavhar Jewel Group" корхонаси фаолият бошлаши билан юзага келди.

Бу ерда қимматбаҳо металллар ва тошларни харид қилиш, қайта ишлаш ва бошқа барча заргарлик юмушлари амалга оширилади. Лойиҳанинг қиймати 6,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, корхонани шакллантириш жараёнида Италия, Германия ҳамда Туркиядан илгор технологик ускуналар олиб келиб, ўрнатилди. Мазкур давлатлардан жалб этилган юқори ма-лакали мутахассислар уларни ишга тушириш ва маҳаллий ишчилар клас-сификациясини оширишда ёрдам беради.

Қирқдан зиёд ишчиларни доимий меҳнат ўрни билан таъминлаган корхонада 150 дан зиёд маҳаллий заргарлар билан кооперация асосида ишлаш ҳам йўлга қўйилди. Келгуси йилдан бошлаб бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг 20 фоизини хорижга экспорт қилиш режалаштирилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?



Саёҳат туйғули ёрқин таассуротларга эга бўлиш кишилар учун ҳамиша завқли кечган. Хорижий давлатларга ташриф, ноёб табиат ёдгорликлари жозибасидан баҳраманд бўлиш, қариндошларни йўқлаб бориш, билимларини бойитиш, саломатлиқни мустаҳкамлаш кабилар саёҳатга чиқишга ундовчи омиллар саналади. Бироқ глобал миқёсда инкирозли ҳолатлар кечилишига олиб келган коронавирус пандемияси туристик хизматлар кўрсатиш жараёнларини тубдан такомиллаштириш талабларини юзага чиқарди.

Нуктаи назар

2019 йил якунлари статистикасида келтирилишича, Ўзбекистон туризм индустрияси субъектлари томонидан 6,7 миллион хорижий сайёҳга хизмат кўрсатилган. Бу рақам қатъий карантин чекловлари натижасида ўларок, 2020 йилга келиб 1 миллион 504 мингга, 2021 йил 1 август ҳолатига кўра эса, 761 мингдан кўпроқни ташкил этди.

Таҳлилларга қараганда, 2020 йилда узоқ хориж мамлакатларидан юртимизга жами 83 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, бунда мусулмон сайёҳлар 59 фоизни ташкил қилди. Ташрифлар сони, ўз навбатида, туризм хизматлари экспортининг орттишига олиб келди.

2016 йил кўрсаткичлари билан таққослаганда 2019 йилда туризм хизматлари экспорти 3 баравар ошиб, 1,3 миллиард АҚШ доллари-га етгани бунинг тасдиғидир. Хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар натижасида 2021 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, туристик ташкилотлар сони 2016 йилдаги 484 тадан 1400 тага, хойлаштириш воситалари 750 тадан 1061 тага етди. 2018 йилдан эса оилавий меҳмон уйи ва хостеллар алоҳида рўйхат-

га олина бошланди. Шу тариқа, 2021 йилга келиб оилавий меҳмон уйлари 106 тадан 1729 тага, хостеллар 30 тадан 257 тага ошди. Пандемиянинг салбий таъсирини юмшатишда ички туризм асосий таянч саналади. Маълумотларга кўра, 2020 йилда 8,8 миллион нафар ички турист саёҳат қилган. 2020 йил 1 январь ҳолатига ички туристлар ташрифлари сони 14,7 миллионга етди. Ички туристлар ташриф сонининг йиллик ўсиши ўртача 18 фоизни ташкил қилган.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган рақамлар мамлакат миллий иқтисодиёти жадал суруятларда ривожланишига ҳисса қўшади. Зотан, туризм соҳаси иқтисодиётнинг нақд 32 та тармоғи билан чамбарчас алоқадор. Яъни туризм ривожланиши, ўз-ўзидан улар ҳам раванк топади.

Шу кунга қадар туризм соҳаси ва унга ёндаш тармоқлари жадал ривожланишига қаратилган 90 дан ортик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Пировардида 2021 йилга келиб 90 та хориж мамлакатлари учун визасиз режими татбиқ этилди. 2018 йил 15 июлдан эса электрон кириш визаларини

бериш тизими йўлга қўйилди ва бугунги кунда бу тизимдан 57 та давлат фуқаролари фойдаланиш имкониятига эга. Мазкур чора-тадбирлар натижасида 2026 йил якунига қадар хорижий туристлар сони 9 миллионга етказилди, шу жумладан, узоқ хориждан 2 миллион турист жалб қилинади.

Жорий йилги ҳаво қатновлари чеклови юзасидан хорижий туристлар ташрифига оид ушбу рақамларнинг кескин камайиши салмоқли иқтисодий йўқотишларга олиб келмаслиги чораларини оператив ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ҳўш, туристик хизматлар миллий бозорини давлат томонидан оптимал тартибга солиш жараёни қандай кечилиш мақсадага мувофиқ?

Аввало, туристларни қабул қилиш ва ҳойлаштиришга ихтисослаштирилган меҳмонхоналар тармоғи "Virus Free" ("Вирусдан холи") тамоийли асосида ишлаш режимига ўтиши тақозо этилади. Турист ўз саломатлиғи қаролатилган ҳудуд доирасида саёҳатларини режалаштиради. Кириб келувчи турист ҳам, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли ўртасида касалланмиш ҳолатлари кўпайишига сабабчи бўлиб қолмаслиги зарур. Айни

шу икки ҳолат меҳмонхоналар хизмат кўрсатиш заллари ва номер фондига табиий стандартлар асосида дезинфекция ишларини узулқисс бажаришни йўлга қўйиш лозимлигини аналтилади.

Иккинчидан, эпидемиологик ҳолат барқарор ҳудудларнинг туристик салоҳиятини мақбул даражада ишга солиш орқали ички туризм хизматлар бозорини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ички туризм йўналишлари негизига қамраб олинган зиёратгоҳлар, тарихий объектлар, овқатланиш шохобчалари ва хизмат кўрсатиш пунктлари фаолияти молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш чоралари ишлаб чиқишлиши муҳим ҳисобланади. Бунинг учун фаолият йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, техник-иқтисодий жиҳатдан чуқур

ассосланган бизнес-режаларни тайёр шаклда тақдим этиш орқали отелъерлар, ресторо-лар, туроператорларнинг молиявий таъминот манбалари-дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мумкин.

Тижорат банклари кредит ресурсларини туризм индустрияси маҳаллий субъектлари ҳўжалик юритиш амалиётига мақсадли йўналтириш механизмини преференциялар пакети эвазига янгиллаш эҳтиёжи вужудга келган.

Учинчидан, ребрендинг концепцияси асосида миллий туристик маҳсулотнинг жаҳон хизматлар бозоридидаги позициясини ўзгартириш стратегиясини фаол қўллаш вақти келган. Мажмуд туристик бренд компонентларининг алмаштирилиши пост-пандемия шароитида хорижий туристларни жалб қилиш учун қўлай адаптацияни муҳитини шакллантиради. Бунда асосий ургу шарқона меҳмондўстлик анъаналари ва мазмуни хордиқ чиқаришининг замонавий шакллари комбинациясига қаратилиши ижобий самара беради. Амалдаги туристик бренд омалашувига қисман тўсиқ бўлган омилларни тўла бартараф этиш учун бундан яхшироқ шароит бўлмаслиги турган гап.

Сирожиiddин ХАЛИЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Туризм ва сервис кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори.

КМ-17-sonli eng yaxshi taklif tanlovi o'tkazilishi to'g'risida MAHSULOTNING NARXI VA TAVSIFI

«Toshkent shahridagi yer usti halqa metro liniyasini qurish» loyihasi doirasida «Loyiha yechimlarini ko'rib chiqish, qurilishni kuzatib borish va texnik nazorat qilish, nazorat qilish, ishlarni qabul qilish va o'qitish, shuningdek, uskunalar, materiallar va butlovchi qismlarni yetkazib berishni qo'llab-quvvatlash va texnik nazorat qilish bo'yicha maslahatchi-muhandislarning xizmatlari»ni sotib olish komponenti bo'yicha eng yaxshi taklif tanlovi o'tkaziladi.

Xarid qilinayotgan ob'ekt uchun boshlang'ich baho eng yaxshi taklif tanlovi hujjatining narxlar qismida ko'rsatilgan.

Moliyalahtirish manbasi — O'zbekiston Respublikasi Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi.

ENG YAXSHI TAKLIF TANLOVI O'TKAZILADIGAN JOYNING MANZILI:

O'zbekiston Respublikasi, 100060, Toshkent shahri, Amir Temur shohko'chasi, 4-uy, Loyihalarni amalga oshirish guruhi, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.

ENG YAXSHI TAKLIF TANLOVI ISHTIROKCHILARIGA QO'YILADIGAN TALABLAR

Eng yaxshi taklif tanlovida ushbu xizmatlarni taqdim etish uchun tegishli sertifikatlar va litsenziyaga ega xorijiy yetkazib beruvchilar ishtirok etishi mumkin.

Eng yaxshi taklif tanlovida qatnashishni istagan kompaniyalar mijozga yozma ravishda xabar berishlari kerak (xat rasmiy blank

shaklida quyida ko'rsatilgan elektron manzillarga yuborilishi lozim).

BUYURTMACHI VA LOTLAR HAQIDA MA'LUMOT

Buyurtmachi nomi: Kapital qurilish direksiyasi, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.

STIR (INN): 202342708.

Buyurtmachi manzili: O'zbekiston Respublikasi, 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Taras Shevchenko ko'chasi, 7-uy, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.

Boshlanish sanasi: 2021-yil, 17-sentabr.

Tugatilish sanasi: 2021-yil, 29-oktabr.

Takliflarni taqdim etishning oxirgi kuni: 2021-yil, 29-oktabr, soat 16.00 gacha (Toshkent vaqti bilan).

Takliflarni taqdim etish manzili:

O'zbekiston Respublikasi, 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shohko'chasi, 4-uy, Loyihalarni amalga oshirish guruhi, «O'zbekiston temir yo'llari» AJ.

Aloqa bo'limi: Umarov M.G., tel.: 97-596-87-99, 97-336-11-71. Mirahmatov M.M., tel.: 97-448-94-12. e-mail: piup2@railway.uz

Qiziqish bildirgan tomonlar eng yaxshi taklifni tanlash hujjatini maxsus axborot portali (www.xarid.uz) orqali yuklab olishlari yoki buyurtmachiga yozma shaklda (firma blankida) murojaat qilib olishlari mumkin (xatning skaner qilingan shak